

SIHAT

SALOMATLIK

ойлик илмий-оммавий безакли журнал

1/2025



Bobo va nabira

- Siz qayoqqa, bobojon?
- Bozorga-da, bolajon.
- Nima olib kelasiz?
- Kelganimda ko'rasiz.
- Bobo, do'konga kiring,
- Kiring, shuni axtaring.
- Nima ekan ayt, bolam?
- Umi, bobojon, OLAM!
- Bilishimcha, bu – kitob,
- Kerak menga shu OFTOB!

U bilan yayrar dilim,
Kitob bilimdir, bilim!
Buni aytgan o'zingiz,
Qulog'imda so'zingiz.
– Do'konlarni oralab,
Qarab, tanlab, saralab,
Aytganingiz olay, xo'p.
Kitob deganlari ko'p!
Bobo qaytdi bozordan,
Uyiga shoshdi shitob.

Nurxon RAYIMOVA

«Тиббий суғурта тизими аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайди ва тиббиёт соҳасини янги босқичга олиб чиқади.»

«Ҳар бир фуқаро ўз саломатлиги ҳимояланганлигини ҳис қилиши керак, давлат эса бунга зарур шароит яратиши лозим.»

Шавкат МИРЗИЁЕВ.



БЕПАРВОЛИК ТУФАЙИ



Стоматологик гигиеник қондаларга рўя қилмаслик нафақат индивидуал саломатлик, балки жамият соғлиғига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Кундалик ҳаётда оғиз гигиенасига бепарволик қилиш биринчи навбатда кариес ва унинг асоратлари шаклланишига олиб келади. Кариеснинг дастлабки босқичларида ҳеч қандай аломат сезилмайди, аммо вақт ўтиши билан чуқур кариес, пулпит ва периодонтит каби муаммолар ривожланиб, оғриқни келтириб чиқаради.

Агар бундай патологиялар ўз вақтида даволанмаса, натижада тиш йўқотилиши кузатилади, бу эса ортопедик стоматологияга бўлган эҳтиёжни оширади.

Бугунги кунда кўплаб беморлар тишларини йўқотиб, қиммат протез ва имплантацияларга эҳтиёж сезмоқда. Аммо бундай мураккаб реабилитация ҳамма учун ҳам иқтисодий жиҳатдан имкониятли эмас. Айниқса, тиббий суғуртанинг йўқлиги сабабли, кўпчилик оғриқни ичга ютиб, ўз муаммоларини эътиборсиз қолдиришга мажбур бўлмоқда. Афсуски, мавжуд тизимда тиш йўқотилишининг олдини олишга эмас, балки унинг оқибатларини шахсий

маблағ эвазига ҳал қилишга эътибор қаратилган. Оқибатда, беморлар гўё ўз бепарволиги туфайли «айбдор»дек кўрилиб, уларнинг муаммоси тизимли ёндашув асосида эмас, балки фақат ўз ҳисобидан даволашга мажбур бўлмоқда.

Тиббий суғуртанинг мавжуд эмаслиги беморларни оғриқ ва эстетик муаммолар билан яшашга мажбур қилади. Бу эса уларнинг ҳаёт сифатига, руҳий ҳолатига ва ижтимоий фаоллигига салбий таъсир кўрсатади. Президент



Шавкат Мирзиёев ҳам бу муаммони ҳал этиш учун тиббий суғуртани жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. 2022-йил 18-март кuni тиббиёт ходимлари билан ўтказилган очик мулоқотда давлат раҳбари соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида Конституцияга тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурлигини таъкидлаб, турли тиббий суғурта шакллари ривожлантириш учун конституциявий асос яратиш муҳимлигини қайд этган. Бу эса аҳолининг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда муҳим қадам ҳисобланади.

Шунингдек, Президент соғлиқни сақлаш тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва миллий соғлиқни сақлаш тизимини замонавий ва юқори малакали соҳага айлантиришни Конституцияда мустаҳкамлашни таклиф қилган. Бу, ўз навбатида, стоматологик хизматларни ҳам қамраб олган ҳолда, тиббий хизматларнинг умумий сифати ва аҳолининг саломатлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, Шавкат Мирзиёев экологик муаммолар туфайли фуқаролар соғлиғига етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини давлат зиммасига юклаш кераклигини ҳам таъкидлаган. Бу масала, айниқса, Оролбўйи минтақасида долзарб ҳисобланади, чунки экологик омиллар нафақат умумий соғлиқни, балки тиш касалликларини ҳам кучайтириши мумкин.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Халқаро тажрибага назар ташласак, кўплаб ривожланган давлатларда стоматологик ёрдамни қамраб олувчи тиббий суғурта тизими йўлга қўйилган. Масалан, Германия, Канада ва Швеция каби мамлакатларда давлат тиббий суғуртаси стоматологик хизматларнинг муҳим қисmini қоплайди. Бу давлатларда профилактика чоралари устувор бўлиб, беморлар мунтазам равишда бепул ёки минимал тўлов эвазига тиш шифокорига мурожаат қила олади. Натижада, касалликлар эрта босқичда аниқланиб, мураккаб даволаш эҳтимоли камаяди. Ўз навбатида, бу ёндашув узок муддатда тиббий харажатларни ҳам камайтиради.

Ўзбекистонда эса стоматологик хизматларга тўлиқ қамров берилмаганлиги сабабли, кўпчилик беморлар реабилитация харажатларини ўз зиммасига олишга мажбур. Бу эса, айниқса, кам таъминланган аҳолининг оғиз бўшлиғи соғлиғига салбий таъсир қилади ва тишсиз қолган беморлар сонининг ортишига сабаб бўлади. Шу сабабли, стоматологик хизматларни тиббий суғурта тизимига киритиш беморларнинг оғрик ва ноқулайликдан қутулишига, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ҳамда давлат миқёсида ортопедик даволашга бўлган эҳтиёжни камайтиришга хизмат қилади.

ХУЛОСА ШУКИ...

Стоматологик гигиенага бепарволик қилиш нафақат шахсий саломатликка, балки жамиятнинг умумий соғлиғига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Тиббий суғурта тизимини жорий этиш орқали стоматологик хизматлардан фойдаланиш имкониятини ошириш ва аҳолининг молиявий юқини камайтириш мумкин. Президент Шавкат Мирзиёевнинг тиббий суғуртани жорий этиш бўйича ташаббуслари ушбу муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир инсон ўз саломатлиги учун масъулиятни ҳис қилиши ва стоматологик гигиена қоидаларига риоя қилиши лозим.

Хабиллов Нигмон Лукмонович,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Шарипов Салим Саломович, доцент.
Тошкент Давлат Стоматология Институтини
2-Стоматология факультетини Госпитал
ортопедик стоматология кафедраси